

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«Ипак ва йигириш технологияси» кафедраси

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ**

Мавзу: 30 текс трикотаж ипи ишлаб чиқариш учун, «Truetzschler» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган қуввати 620 кг/соат ип бўлган йигириш корхонасининг технологик кўрсаткичлар лойиҳалансин.

Бажарди: 4а-12 гуруҳ талабаси Қодиров Р.Ф.

Раҳбар ва маслаҳатчи: доц. Ғофуров Қ.Ғ.

Кафедра мудири: доц. Файзуллаев Ш.Р.

Тошкент -2016

# ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

## 5320900 - «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси» (тўқимачилик саноати)

бакалавриатура таълим йўналишлари бўйича

### ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

Мавзу 30 текс трикотаж ипи ишлаб чиқариш учун, «Truetzschler» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган қуввати 620 кг/соат ип бўлган йигириш корхонасининг технологик кўрсаткичлар лойиҳалансин.

Талаба Қодиров Равшан Фарход ўғли

Факультет ТСТ гуруҳ 4а-12

Консультантлар:

1. Кириш доц. Гофуров Қ.Ғ.  
*(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)*

2. Технологик қисм доц. Гофуров Қ.Ғ.  
*(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)*

3. Махсус қисм доц. Гофуров Қ.Ғ.  
*(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)*

4. Мехнат муҳофазаси ва экология проф., Ғаниев Т.А.  
*(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)*

5. Иқтисодий қисм катга ўқитувчи Р.Т.Акромова  
*(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)*

Раҳбар доц. Гофуров Қ.Ғ.

Кафедра мудири доц. Файзуллаев Ш.Р.

Тошкент – 2016 йил

# ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«Тасдиқлайман»

Декан, доц. Гуламов А.Э.

«17» декабр 2015 й.

## ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИГА ТОПШИРИҚ

Кафедра \_\_\_\_\_ «Ипак ва йигириш технологияси» \_\_\_\_\_

Кафедра мудирини \_\_\_\_\_ доц. Файзуллаев Ш.Р.  
(Ф.И.Ш ва имзоси)

Рахбар \_\_\_\_\_ доц. Гофуров Қ.Ғ.  
(Ф.И.Ш ва имзоси)

Топшириқ бажаришга қабул қилинди \_\_\_\_\_ 18.12.2015 й \_\_\_\_\_  
(сана)

Талаба имзоси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ 5320900- «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси»  
(таълим йўналиши)

### Диплом лойиҳасини тайёрлаш учун топшириқ

Талаба \_\_\_\_\_ Кодиров Равшан Фарход ўғли \_\_\_\_\_

1. Лойиҳа мавзуси: 30 текс трикотаж ипи ишлаб чиқариш учун, «Truetzschler» фирмаси ускуналари билан жихозланган қуввати 620 кг/соат ип бўлган йигириш корхонасининг технологик кўрсаткичлар лойиҳалансин.

Институт ректорининг 2015 йил «12» 12 № 453-Т -сонли буюруғи билан тасдиқланган.

2. Тугалланган диплом лойиҳасини ҳимоя қилиш муддати \_\_\_\_\_ 27  
.05.2016 й.

3. Лойиҳа бўйича дастлабки маълумотлар \_\_\_\_\_

4. Диплом лойиҳасида бажариладиган бўлимлар рўйхати:

А) Технологик қисм \_\_\_\_\_

Б) Маҳсус қисм \_\_\_\_\_

В) Меҳнат муҳофазаси ва экология қисми \_\_\_\_\_

Г) Иқтисодий қисм \_\_\_\_\_

5. Кўрсатилиши шарт бўлган чизма-геометрик материаллар рўйхати:

1. Ускуналар жойлашуви; 2. Йигиришнинг қисқача режаси; 3. Маҳсус қисм материаллари; 4. Техник иқтисодий кўрсаткичлари. \_\_\_\_\_

6. Лойиҳанинг тегишли бўлимлари бўйича консултантлари: Технологик ва маҳсус қисмлар- Гофуров Қ.Ғ., Меҳнат муҳофазаси ва экология қисми Ғаниев Т.А., Иқтисодий қисм Акромова Р.Т. \_\_\_\_\_

7. Топшириқ берилган сана \_\_\_\_\_ 18.12.2015 й \_\_\_\_\_

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I-БОБ</b>	<b>ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ</b> .....	5
1.1.	Қурилиш нуқтасини танлаш ва асослаш.....	6
1.2.	Трикотаж маҳсулотлари ассортиментлари.....	8
1.3.	Трикотаж ипи ва уни тўқишга қўйилган талаблар.....	8
1.4.	Ип йигириш системасини танлаш ва асослаш.....	12
1.5.	Тавсия этилган технологик ускуналар занжири.....	13
1.6.	Танланган машиналар технологик таснифи.....	15
1.7.	Йигириш режасини танлаш ва асослаш.....	16
1.8.	Пилик ва ипдаги бурамлар сонини аниқлаш ва асослаш.....	18
1.9.	Ўтимлар бўйича чиқарувчи органлар тезлигини асослаш ..	18
1.10.	Ўтимлар бўйича машиналар назарий унумдорлигини ҳисоблаш.....	20
1.11.	Йигиришнинг қисқача режаси .....	21
1.12.	Ўтимлар бўйича ярим маҳсулот ва ип чиқишини ҳисоблаш .....	22
1.13.	Ўтимлар бўйича паковкалар параметрларини ҳисоблаш...	23
1.14.	Пиликлардан олдинги пилталаш II ўтимда паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш.....	26
1.15.	Ўтимлар бўйича ФВК, ИУК ва УФК ларни танлаш ва асослаш.....	28
1.16.	Ўтимлар бўйича амалий ва ҳисобий иш унумдорлигини ҳисоблаш .....	28
1.17.	Соатбай вазифани аниқлаш .....	29
1.18.	Йигириш режасини коррективка қилиш.....	32
1.19.	Тўқимачилик саноатининг толали чиқиндилари ва уларни қайта ишлаш машиналарини танлаш ва ҳисоблаш.....	36

1.20.	Лойиҳаланаётган корхонада пахта заҳираси ҳисоби.....	41
1.21.	Ишлаб чиқариш лабораторияси.....	42
1.22.	Фабрикадаги техник назорат.....	45
<b>II.БОБ</b>	<b>МАХСУС ҚИСМ.....</b>	<b>45</b>
2.1	Янги sirius ўраш машиналари .....	45
<b>III.БОБ</b>	<b>МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИК ҚИСМИ...</b>	<b>51</b>
3.1	Ёнғин ҳақида хабар бериш ва алоқа воситалари.....	51
<b>IV.БОБ</b>	<b>ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....</b>	<b>52</b>
4.1.	Йигирув цехини ишлаб чиқариш дастури ҳисоби.....	52
4.2.	Меҳнат бўйича техник-иқтисодий кўрсаткичлир ҳисоби..	56
4.3.	Маҳсулот таннархини ҳисоблаш.....	57
4.4.	Асосий фондлар амортизацияси.....	59
4.5.	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар.....	60
4.6.	Йигирув корхонасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлири	63
	<b>ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>64</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>65</b>

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич тараққиётни таъминлаб берувчи йўлдан бормоқда. Ўтиш даврининг ўзидаёқ иқтисодий барқарорлик таъминланди. Келгусида халқ хўжалигини янада жадалроқ ривожланиши учун мустақил замин яратилди. Енгил sanoat маҳсулотларининг экспорт ҳажми кун сайин ошиб бормоқда.

“Ўзбекенгилсаноат” АЖ корхоналарининг тармоқлар аро ва маҳсулот ишлаб чиқариш турлари бўйича тақсимланиши: тўқимачилик корхоналари - 70%, тўқув-трикотаж корхоналари -20% ва ипакчилик корхоналари -10%. Ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўйича йиғирилган ип 54-60% ни, тўқув-трикотаж маҳсулотлари – 9,8% ни, ип газлама - 13,30% ни, трикотаж -16,20%, ипак маҳсулотлари – 5,30% ни ташкил этади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлагандек, «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзи бўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин».

Ёш мутахассисларнинг ҳар бири учун ҳаводек зарур бўлган маънавиятни эътиқодимиздан излаш керак. Истиқлолдан олдин тилимиз, динимиз, маданиятимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Бобур Мирзо каби улуг бобокалонларимизнинг буюк номларига муносабат қандай эди? Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

Маълумки, ҳар қайси халқ миллатнинг, тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келишида ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.[1]

Масалан, Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечириши учун замин яратади. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 март 2015 йилдаги «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги ПҚ-4707 Қарори га мувофиқ 2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш саноатини таркибий ислохотлар қилиш, модернизация ва диверсификациялаш бўйича истиқболли йўналишлар, шу жумладан маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида тўқимачилик ва чарм поябзал саноати товар таркибини, жаҳон ва маҳаллий бозорларда рақобатбардош тайёр ва ярим маҳсулотларни, хусусан, бўялган ип, матолар, ишлов берилган чарм, трикотаж, тикув, поябзал ва чарм маҳсулотларини яхшилаш масалалари белгиланди. [2,3]

Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири рақобатбардош ип-газлама ишлаб чиқаришдан иборатдир. Шу мақсадда Ўзбекистонда 2019 йилгача енгил саноатда режага асосан умумий қиймати бир млрд. АҚШ долларига тенг 80 та лойиҳа реализацияси кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларнинг реализацияси натижасида пахта толасининг 70% маҳаллий корхоналарда қайта ишланиб, мамлакатнинг экспорт салоҳияти 1,8 марта ортади. Муҳим лойиҳалар қаторида:





**Мавзунинг долзарблиги:** Лойиха ишининг «30 текс трикотаж ипи ишлаб чиқариш учун, «Truetzschler» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган қуввати 620 кг/соат ип бўлган йигириш корхонасининг технологик кўрсаткичлар лойихалансин» мавзуси юқори технологияларга асосланганлиги, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ип йигириш масалаларини қамраб олганлиги учун долзарб ҳисобланади.

**Диплом лойиха ишининг асосий мақсади:** Танланган толали аралашмадан Uster Statistics 2013 меъзонларига мос йигирилган ип ишлаб чиқариш учун технологик ускуналарни танлаш, йигириш режаси параметрларини ҳисоблаш ва асослаш.

**Диплом лойиха ишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

1. Берилган ассортиментдаги газламанинг ипи учун хом ашё танлаш ва асослаш.
2. Йигириш системаси ва технологик ускуналар занжирини танлаш.
3. Лойихаланаётган ип учун йигириш режаси параметрларини ҳисоблаш ва асослаш
4. Технологик ўтимлар бўйича ФВК, ИУК, УФК коэффициентларини танлаш, амалий ва ҳисобий унумдорликларни аниқлаш.
5. Қайтимлар, чиқиндилар, хомаки маҳсулот ва ип чиқишини асослаш.
6. Ўтимлар бўйича паковкалар массасини ҳисоблаш.
7. Лойиха топшириғига кўра соатбай вазифани аниқлаш, машиналар сонини ҳисоблаш, коррективроққа қилиш, кенгайтирилган йигириш режасини тузиш.
8. Махсус қисм топшириғини бажариш.
9. Лойиханинг техник иқтисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.
10. Меҳнат муҳофазаси топшириғини бажариш.

## 1.1. Қурилиш нуқтасини танлаш ва асослаш

Қурилиш нуқтасини танлашда тўқимачилик корхоналари бўлган шаҳарлар танланмайди, бундан ташқари жуда катта шаҳарни ҳам танлаш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, катта шаҳарларда ишчи арзон ва етарли бўлмайди.

Қурилиш нуқтасини иложи борича оғир саноат, яъни металлургия, кон руда, машинасозлик кабилар бўлган шаҳарларни танлаш тўғрироқ бўлади. Бизга маълумки, оғир саноатда кўп ишчи кучи-эркаклар ишлайди. Тўқимачилик корхоналарининг 80 % қисмини аёллар ташкил қилади. Шунинг учун бундай шаҳарларда ишчи кучи ҳам муаммо бўлмайди.

Ўзбекистонда жойлашган бир қатор шаҳарлар, яъни Гулистон, Янгиер, Пахтаобод, Шаҳрихон, Навоий, Рометон, Когон, Олмалиқ, Бўка ва Ангрэн шаҳарларини қабул қилишимиз мумкин.

Қурилиш нуқтасидан танлашда қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

1. Шаҳарнинг географик жиҳатдан жойлашган ўрни;
2. Шаҳарнинг бошқа шаҳарлар, ҳамда бошқа республикалар билан коммуникация воситалари;
3. Ишчи кучи, яъни шаҳарда қанча аҳоли борлиги ва уларнинг қанча қисмини аёллар ташкил этиши;
4. Лойиҳаланаётган корхона электр энергияси билан таъминланишини асослаш;
5. Шаҳарда жойлашган корхоналар.
6. Лойиҳаланаётган корхона электр энергияси билан таъминланишни асослаш;

Юқорида санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда Жиззах вилояти Зарбдор туманига қарашли Бўстон шаҳарчасини танлаб оламиз.

Бўстон шаҳри Жиззах шаҳридан 20 км узоқликда жойлашган. У ерда ҳеч қандай тўқимачилик корхоналари йўқ. Шаҳардан темир йўл ўтган.

## **1.2. ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ АССОРТИМЕНТЛАРИ**

Трикотаж маҳсулотлари ассортименти қуйдагиларга бўлинади: ўстки ва ички кийим, спорт буюмлари, пайпоқ ва пайпоқ буюмлари, бош кийимлар ва х.к.

Структурасига кўра трикотаж кўндаланг тўқима ва бўйимлар тўқималарга бўлинади. Бир қават ёки икки қаватли тўқималарга бўлинади. Трикотаж шунингдек кенг қамровли охорланишига қараб ҳам бир бирларидан фарқланади, яъни охорланган охорланмаган, бир хил қилиб ёки рангдор қилиб бўялганлиги билан матоси тўқилган трикотажлардан кўпинча ички кийимлар тикилади. Ички кийимга мўлжалланган трикотаж матолари қайишқоқ (чўзилувчан) бўлиб, юмшоқ, одамни ҳаракат вақтида эркин тутишига ҳалақит қилмайди. Улар ишқаланишга бардошли бўлиб енгил ювилади, дазмолланади, кийилганда гигиеник хоссалари юқориликдан ҳаво ўтказувчанлиги ҳам юқоридир. Инсон баданидан ажралиб чиқувчи намликни шимиб, тери касалликларидан асрайди.

## **1.3. Трикотаж ипи ва уни тўқишга қўйилган талаблар**

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ип қайишқоқ, юмшоқ, шишларсиз, тоза ва равон тугунаксиз бўлиши керак.

Шунингдек трикотаж иплари чизиқий зичлиги, 1м ипдаги бурамлар сони бўйича бир текис бўлиши керак. Бу талабларни қаноатлантирмайдиган ип трикотаж тўқиш жараёнини қийинлаштиради, игналар синиси, ипларни узилишига олиб келади. Шунингдек битирув малака ишида берилган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун карда системасини танлаб оламиз. Ипнинг номери бўйича нотекслиги полотнонини охорлаганда йўл-йўлликни келтириб чиқаради. Агарда ипдаги бурамлар сони кўпайиб кетган бўлса уни тўқиш қийинлашади, ип чигаллашади. Пишитилганлик бўйича нотекслик тўқилган трикотаж маҳсулоти ёмон чўзилувчан бўлади. Юқорида

кайд этилган камчиликларни йўқотиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бозорбоп бўлиши учун қуйдаги лойиҳада юқори сифатли ип ва янги, замонавий ускуналар қабул қиламиз.

Ҳалқали трикотаж ипининг сифат синфлари бўйича физик механик кўрсаткичлари

USTER STATISTIKS 2013

1-жадвал

Ип номери		Узилишдаги узунлик $R_{км}$ , сН/текс			$R_{км}$ бўйича CV, %				
№	Тех	5%	50%	95%	5%	25%	50%	75%	95%
КАРДА									
20,0	29,5	17,1	14,6	12,7	6,3	7,1	7,9	8,9	9,9

1000 м ипдаги нуксонлар (кўпи билан) дона														
Ингичка жойлар					Йўғон жойлар					Непсонлар				
5%	25%	50%	75%	95%	5%	25%	50%	75%	95%	5%	25%	50%	75%	95%
КАРДА														
2	4	8	16	37	43	74	130	221	358	55	103	185	322	562

Хом ашё танлаш ва чизиқий зичлиги ГОСТ 9092-81 стандарти бўйича 30 текс трикотаж иплари II ва I нав ўрта толали пахта толасидан йигирилади.

Шуни инобатга олиб мазкур лойиҳада  $T_{и}=30$  тексли трикотаж ипи 5- II, 5- I сараланмасидан йигириш тавсия этилади. 5- II сараланмасидан -65%; 5-I сараланмасидан - 35% қилиб аралашма тайёрлаймиз. 5-типга оид ғўза навларидан Навбахор ни қабул қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида пахта ҳосилидан олинган ўрта толали пахта толасининг сифат кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида пахта ҳосилидан олинган ўрта толали пахта  
толасининг сифат кўрсаткичлари

2-жадвал

Типи	Селекцион нави варианты	Mc Микронейр Unit	Штаел узунлиги cod STAPLE	UHML юқори ўртача узунлиги дюм*1000, инч*1000	STR солиштира гк/текс, гт/текс	UI бирхиллик индекси
1	2	3	4	5	6	7
5	Навбахор	4,60	35,0	110,1	29,5	82,5

RDOKS кўрсаткиш коэффициент, %	b сарғишлик даражаси	Elong узилишдаги узайиш, %	Leaf еит коди	SE калта толалар индекси	Сеи йигирувчан индекси бирликда	CSP ипининг ҳисобий пишиқликда
8	9	10	11	12	13	14
79,0	8,7	7,0	2,2	10,7	131,9	2163,9

Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари тайёр маҳсулотларни жаҳон андозаларига мослаб, рақобатбардош қилиб ишлаб чиқариш вазифасини тўла бажариш учун тўқимачилик саноати тараққиёт этган мамлакатлар корхоналари амалиётида қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш лозим. Пахта толаси хосса кўрсаткичларини экспресс (тезкор) аниқлашда HVI синов қурилмасидан кенг фойдаланилади. Хозирги пайтда пахта толаси синови айнан шу ускунада ўтказилиб, натижалардан бири сифатида CSP кўрсаткичи қайд этилади. Фирма CSP ни ҳисоблаш учун формулани ишлаб чиққан (1). Унинг ёрдамида ип пишиқлигини прогноз қилиш мумкин. Пахта толаси Сифат марказлари айнан шу формулалардан фойдаланадилар.

Ипнинг хоссаларини нисбий пишиқлиги ( $CSP$  ва  $R_{KM}$  да) ҳисоблаш ва стандарт билан солиштириш ипнинг пишиқлик кўрсаткичи- $CSP$ ни ҳисоблаш.

Карда ипи учун:

$$CSP = 165 \sqrt{\frac{L \cdot R_T}{M}} + 590 - 13Ne$$

Толанинг ўртача узунлиги:

$$L = \frac{110.3}{100} \cdot 25,4 = 28,01 \text{ mm}$$

Толанинг солиштирама узулиш кучи, сН/текс:

$$R_T = 29,5 \text{ gk/teks}$$

Толанинг микронейри:

$$M = 4,60 \text{ mg/duyum}$$

Ипнинг инглизча номери:

$$Ne = 20,0$$

Ипнинг  $CSP$  кўрсаткичи ҳисоблаймиз:

$$CSP = 165 \sqrt{\frac{L \cdot R_T}{M}} + 590 - 13Ne = 165 \sqrt{\frac{28,01 \cdot 29,5}{4,60}} + 590 - 13 \cdot 20,0 = 2801,4 - 260 = 2541,4$$

$$CSP_{\text{хис}} = 2630,1$$

$CSP$  нинг Сифат маркази кўрсатган қиймати (Иловадаги жадвалларга мувофиқ) 2163,9 га тенг.

Демак,  $CSP$  нинг жадвалий қиймати 2163,9 унинг ҳисобий қиймати 2541,4 дан кичиклиги учун, хом ашё тўғри танланган деб ҳисобланади. Ҳом ашёнинг берилган номери ( $N_e$ ) даги ипга қўйилган талабларни қондира олиши ипнинг узишдаги узунлиги деб аталувчи пишиқлик  $R_{KM}$  ни ҳисоблаб текширилади.

Ипнинг  $R_{KM}$  кўрсаткичини ҳисоблаймиз:

$$R_{KM} = 1,1 \sqrt{\frac{L \cdot R_T}{M}} + 4,0 - 13 \frac{N_e}{150}$$

$$R_{KM} = \left[ 1,1 \sqrt{\frac{28,01 \cdot 29,5}{4,60}} + 4 - 13 \frac{20,0}{150} \right] = [18 - 1,73] = 16,26 \text{ gk/teks}$$

$R_{KM}$  нинг сН/тексдаги қийматини ҳисоблаймиз:

$$R_{WM} = 0,9807 \cdot R_{KM} = 0,9807 \cdot 16,26 = 15,95 \text{ cN/teks}$$

Бу кўрсаткич ипнинг меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилади. Меъёрлар USTER STATISTICS жадвалларида келтирилган. Унда ҳисобланган  $R_{km.x} > R_{km.ж}$  бўлиши керак, яъни ип сифати (жадвал) 5,25,50,75,95% синфларининг бирортасидан катта бўлса, хом ашё тўғри танланганлиги асосланади.

Шундай қилиб, 30,0 тексли трикотаж ипининг  $R_{KM}$  ҳисобий қиймати Устер Статистикс-2013 стандартининг 5% синф кўрсаткичидан кичик (17,1 сН/текс), 50% синфдан катта (14,6 сН/текс). Шунинг учун  $R_{KM}$  (29,0 текс трикотаж ипи)нинг 15,95 сН/текс. 50% синфга мос келса. Хом ашё тўғри танланган деб ҳисобланади. Трикотаж ипи карда тизимида Германиянинг «Truetzchler» фирмаси ускуналарид йигирилади.

#### **1.4. Ип йигириш системасини танлаш ва асослаш**

Йигириш учун танланган машиналар ва уларда бажариладиган технологик жараёнлар мажмуи йигириш системаси деб аталади.

#### **Технологик ускуналар занжирини танлаш**

Машиналар занжирини танлашда етакчи лойиҳалаш институтлари тавсиясига, корхоналарда ишлаётган ускуналар тизимига, шунингдек илғор чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилаётган ускуналар тавсифларига асосланилади.

Технологик ускуналарни танлашда техника ва технологияни ривожланиши йўналишларини ва тўқимачилик машинасозлигини йўналишларини яхши билиш керак.

Танланган машиналарда янги модернизацияланган ишчи органларнинг мавжудлиги, замонавий чўзиш асбоблари уларни турлари, автоматик таъминлаш, тўхтатиш, иш унумдорлиги юқори ва сифатли маҳсулот олишга эътибор бериш керак.

## 1.5. Тавсия этилган технологик ускуналар занжири

### “SURHANTEKS”Қ.К. ТАВСИЯСИ

3-жадвал

№	Машина номи	Машиналар маркаси
1	Автоматик той титгич	Blendomat BTD-019
2	Кўп функцияли ажраткич (сепаратор)	SP-MF
3	6-бункерли аралаш-тирувчи машина	MCM-I-6
4	Аралаштириш билан агрегатлаштирилган тозалагич.	Clenomat -CVT
5	Бегона (толалардан) жисмлардан тозаш машинаси	Securomat SP-F
6	Толаларни чангсизлантирувчи	DX(Dustex)
7	Тараш машинасига тола тақсимлаш системаси.	Directfeed
8	Тараш машинаси	TC-03
9	Пилталаш машинаси I-ўтим	TD-03
10	Пилталаш машинаси II -ўтим	HSR -1000
11	Пиликлаш машианси	Zinser-668
12	Ҳалқали йигириш машиналари	Zinser -350

## Лойиҳада қабул қилинган технологик ускуналар занжири

4-жадвал

№	Машина номи	Маркаси
1	Автоматик той титгич	Blendomat BO-A
2	Кўп функцияли ажраткич (сепаратор)	SP-MF
3	6-бункерли аралаш-тирувчи машина	MX-I-6
4	Аралаштириш билан агрегатлаштирилган тозалагич.	Clenomat CL-C 4
5	Бегона (толалардан) жисмлардан тозаш машинаси	Securomat SP-F



6	Тараш машинасига тола тақсимлаш системаси.	
7	Тараш машинаси	ТС-11
8	Пилталаш машинаси I-ўтим	TD-08
9	Пилталаш машинаси II -ўтим	TD-08
10	Пиликлаш машианси	Zinser-670
11	Ҳалқали йигириш машиналари	Zinser -351

Юқорида келтирилган машиналарни техник характеристикаларини ўрганиб Германиянинг «Трючлер» фирмасининг машиналарини қабул қиламиз. Чунки бу ферманинг машиналари юқори иш унумдорлигига эга бўлиш билан бирга чиқаётган ярим маҳсулот ва ипни чизиқий зичлигини автоматик равишда ростлаб турувчи мосламаси бор.

**1.6. Танланган машиналар технологик таснифи**  
**Фирма «Trutzschler»**

5-жадвал

T/P	Машиналар номи Маркаси	Ишланадиган толанинг штапел узунлиги мм	Чизикий зичлиги	Чиқарувчи ишчи орг. тезлиги		Ўзуниш микдори E	Пиштиш микдори Бур/м	Самардорлиги Кг/с	Эл.энергия куват КВт	Габарит ўлчамлари мм		Чиқарувчи органлар сони
				n мин <sup>-1</sup>	V м/мин					Эни мм	Узунлиги мм	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Автоматик той титгич Blendomat BO-A	60	-	-	-	-	-	1500	4,0-6,0	5164	23045	-
2	Куп функцияли ажраткич SP-MF	60	-	-	-	-	-	2000	9,0	1664	4485	-
3	Дастлабки тозалагич CL-P	60	-	-	-	-	-	1000		1964	1485	-
4	6-бункерли аралаштирувчи машина MX-I-6	60	-	-	-	-	-	1000	6,0	2264	4633	-
5	3-барабанли тозалагич Clenomat CL-C 4	60	-	-	-	-	-	1200	9,1-11	2664	2995	-
6	Бегона жисмлардан тозаш машинаси Securomat SP-F	60	-	-	-	-	-	1500	9,0	1664	4485	-
7	Тараш машинаси TC-11	60	3,0-20 ктекс	-	-	-	-	260	12-14	2800	8013	1
8	Пилталаш машинаси I утим TD-08	60	1,5-7,0 ктекс	-	1000	4,0-11,0	-	-	10,5	2550	9330	1
9	Пилталаш машинаси II утим TD-08	60	1,25-7,0 ктекс	-	250-900	4,5-11,6	-	-	7,5	2605	8200	1
10	Пиликлаш машинаси Zinser-670	60	170 – 1450 текс	1500	50	4-20	17-96	-	31	3100	17665	144 та гача (секцияда 12 та рогулка)
11	Йигириш машинаси Zinser -351	60	107 – 4,0 текс	25000	-	-	240-2570	-	6,5	1000	40588	240-1680 (секцияда 24 та урчук)

Кўрсаткичлар машиналарнинг техник паспортларидан олинди.

## 1.7. Йигириш режасини танлаш ва асослаш

Ип йигирув режаси йигирув корхонасининг асосий техник хужжати бўлиб, унга йигирув фабрикасининг ҳамма босқичларидаги машиналарнинг асосий техник кўрсаткичлари киради.

Йигириш режаси ўз ичига машиналардага ҳамма параметрларнинг ўз ичига олган яъни ярим маҳсулотлар ва ип олишдаги технологик жараёнлар билан боғланган. Йигириш режасида маҳсулотларнинг йўғонликлари, қўшиш сони, босқичлар бўйича чўзиш миқдори, пишитиш даражаси ва пишитиш коэффицентлари, асосий ишчи органларнинг айланиш тезликлари, машиналарнинг назарий маҳсулдорликлари ҳамда машиналардан фойдаланиш коэффицентлари киради.

Йигириш режасида ҳар бир олинган кўрсаткичларни асослаш керак. Ҳар бир кўрсаткични танлашда махсус маълумотномалардан, илмий текшириш институтларнинг тадқиқот ишлари натижаларидан ва ишлаётган илғор фабрикаларнинг тажрибаларидан фойдаланилади.

### Йигириш режасини танлаш ва асослаш

«Каракўлтекс» қўшма корхонасининг йигирилга Т=29 тексип учун  
йигириш режаси

б-жадвал

№	Машиналарнинг номи ва маркаси	Кираётган маҳсулот Текс, ктекс	Чиқаётган маҳсулот Текс, ктекс	Қўшилишлар сони, d	Чўзиш сони E	Пишитиш		Чиқарувчи ишчи орган. тезлиги		Ан Кг/с	ФВК
						$\alpha_T$	К б/м	n мин <sup>-1</sup>	V м/мин		
1	Тараш DK-903	-	5,0	-	-	-	-	-	96	85	0,98
2	Пилталаш I-ўтим, HS-1000	5,0	4,5	8	8,8	-	-	6456	807	218	0,75
3	Пилталаш II-ўтим, HSR-1000	4,5	4,5	8,0	8,0	-	-	5810	726	195	0,75
4	Пиликлаш BF-96	4,5	580	1	7.8	10.65	44.3	1050	-	29.8	0.95
5	Йигириш RM2114B	580	29	1	20	36	800	14000	-	16,32	0,96

## 1.7. ЙИГИРИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ ВА АСОСЛАШ

**Ўтимлар бўйича ярим маҳсулотлар ва ипнинг чизиқий зичлигини, (номери) машиналарнинг умумий чўзилиш миқдорини ҳисоблаш.**

### 1. Тараш машинаси

Технологик характеристика бўйича	$T_{II}=2,5-5,0$ kteks, $N_e=0,118 \div 0,236$
«Қарақўлтөкс» Қ.Қ. кўрсаткичи бўйича	$T_{II}= 5,0$ kteks, $N_e=0,118$
Лойиҳада қабул қиламиз	$T_{II}= 5,0$ kteks, $N_e=0,118$

### 2. Пилталаш машинаси , I-ўтим.

Технологик характеристика бўйича	$T_{II-I}= 1,25-7,0$ kteks $d=6-8,$
$N_e=0,0844 \div 0,3937$	
«Қарақўлтөкс» Қ.Қ. кўрсаткичи бўйича	$T_{II-I}= 4,5$ kteks $d=6,$ $N_e=0,131$
Лойиҳада қабул қиламиз	$T_{II-I}= 4,5$ kteks $d=8,$ $N_e=0,131$

$$E = \frac{T_T}{Tn_I} \cdot d = \frac{5,0}{4,5} \cdot 8 = 8,8$$

### 3. Пилталаш машинаси , II-ўтим.

Технологик характеристика бўйича	$T_{II-II}= 1,25-7,0$ kteks $d=6-8,$
$N_e=0,0844 \div 0,3937$	
«Қарақўлтөкс» Қ.Қ. кўрсаткичи бўйича	$T_{II-II}= 4,5$ kteks $d=6,$ $N_e=0,131$
Лойиҳада қабул қиламиз	$T_{II-II}= 4,5$ kteks $d=8,$ $N_e=0,131$

$$E = \frac{Tn_{II}}{Tn_{II}} \cdot d = \frac{4,5}{4,5} \cdot 8 = 8,0$$

### 4. Пиликлаш машинаси

Технологик характеристика бўйича	$T_{пилик}= 170 \div 1450$ teks,
$N_e=0,407 \div 3,47$	
«Қарақўлтөкс» Қ.Қ. кўрсаткичи бўйича	$T_{пилик}= 580$ teks , $N_e=1,0172$
Лойиҳада қабул қиламиз	$T_{пилик}= 580$ teks , $N_e=1,0172$

$$E = \frac{Tn_{II}}{T_{пилик}} \cdot d = \frac{4500}{580} \cdot 1 = 7,7$$

### 5. Ҳалқали йигириш машинаси

Технологик характеристика бўйича	$T_{ип}= 4 \div 107$ teks, $N_e=5,5 \div 147,5$
«Қарақўлтөкс» Қ.Қ. кўрсаткичи бўйича	$T_{ип}= 29$ teks, $N_e=20,3$
Лойиҳада қабул қиламиз	$T_{ип}= 30$ teks, $N_e=19,6$

$$E = \frac{T_{пилик}}{T_{ип}} \cdot d = \frac{580}{30,0} \cdot 1 = 19,3$$

## 1.8. Пилик ва ипдаги бурамлар сонини аниқлаш ва асослаш

Пишитиш миқдорини аниқлаш учун пилик ёки ипнинг чизиқий зичлиги ва қабул қилинган толанинг узунлигига қараб,  $\alpha_T$  ни танлаб оламиз.

$L_{шт}=35$  mm;  $T=580,0$  teks бўлса карда ип учун пиликнинг пишитиш коэффиценти  $\alpha_T=8,53$  га тенг.

$$a_N = \frac{\alpha_T}{0,316} = \frac{8,53}{0,316} = 27 \quad a_e = 0,033 \cdot a_N = 0,033 \cdot 27 = 0,890$$

$$K = \frac{\alpha_T \cdot 100}{\sqrt{T_{пиллук}}} = \frac{8,53 \cdot 100}{\sqrt{580}} = 35,4 \text{ b/m}$$

Пиликнинг 1 дюймдаги бурамлар сони

$$TPI = a_e \sqrt{Ne} = 0,890 \sqrt{1,017} = 0,897 \text{ b/d}$$

$$K = 39,38 \cdot TPI = 39,38 \cdot 0,897 = 35,3 \text{ b/m}$$

Ипдаги бурамлар сони  $L_{шт}=35$  mm,  $T=30,0$  teks,  $\alpha_T=36,3$

$$Ne = 20,00; \quad a_N = \frac{\alpha_T}{0,316} = \frac{36,3}{0,316} = 114,8; \quad a_e = 0,033 \cdot a_N = 0,033 \cdot 114,8 = 3,8;$$

$$K = \frac{\alpha_T \cdot 100}{\sqrt{T_{ип}}} = \frac{36,3 \cdot 100}{\sqrt{30,0}} = 663,6 \text{ b/m}$$

Ипнинг 1 дюймдаги бурамлар сони

$$TPI = a_e \sqrt{Ne} = 3,8 \sqrt{19,3} = 16,69 \text{ b/d}$$

$$K = 39,38 \cdot TPI = 39,38 \cdot 16,69 = 657,4 \text{ b/m}$$

## 1.9. Ўтимлар бўйича чиқарувчи ишчи органларнинг тезлигини аниқлаш

1. Тараш машинаси ажратувчи барабанининг айланиш тезлиги.

Технологик характеристика бўйича  $A_H = 150$  kg/soat

«Карақўлтөкс» Қ.К. кўрсаткичи бўйича  $A_H = 75$  kg/soat

Лойиҳада қабул қиламиз  $A_H = 100$  kg/soat

$$A_H = \frac{\pi \cdot d_{a.б} \cdot n_{a.б} \cdot 60 \cdot e \cdot T_n}{1000} \text{ kg / soat}$$

$$n_{a.б} = \frac{A_n \cdot 1000}{\pi \cdot d_{a.б} \cdot 60 \cdot e \cdot T_n} = \frac{100 \cdot 1000}{3,14 \cdot 0,701 \cdot 60 \cdot 2 \cdot 5,0} = 75,7 \text{ min}^{-1}$$

$$V_{a.б} = \pi \cdot n_{a.б} \cdot d_{a.б} = 3,14 \cdot 75,2 \cdot 0,706 = 166,6 \text{ m/min}$$

## 2. Пилталаш машинаси , I-ўтим.

Технологик характеристика бўйича  $V_I=250 \div 1000 \text{ m/min}$

«Карақўлтекс»Қ.К. кўрсаткичи бўйича  $V_I=600 \text{ m/min}$

Лойиҳада қабул қиламиз  $V_I=700 \text{ m/min}$

$$n_{a.б} = \frac{V}{\pi \cdot d} = \frac{700}{3,14 \cdot 0,038} = 5866 \text{ min}^{-1}$$

## 3. Пилталаш машинаси , II-ўтим.

Технологик характеристика бўйича  $V_{II}=1000 \text{ m/min}$

«Карақўлтекс»Қ.К. кўрсаткичи бўйича  $V_{II}=600 \text{ m/min}$

Лойиҳада қабул қиламиз  $V_{II} = 630 \text{ m/min}$

$$n_{a.б} = \frac{V}{\pi \cdot d} = \frac{630}{3,14 \cdot 0,038} = 5280 \text{ min}^{-1}$$

## 4. Пиликлаш машинаси

Технологик характеристика бўйича  $n_{урч} = 1300 \div 1500 \text{ min}^{-1}$

«Карақўлтекс»Қ.К. кўрсаткичи бўйича  $n_{урч} = 720 \text{ min}^{-1}$

Лойиҳада қабул қиламиз  $n_{урч} = 1300 \text{ min}^{-1}$

$$n_{цил} = \frac{n_{урч}}{\pi \cdot d_{цил} \cdot K} = \frac{1300}{3,14 \cdot 0,03 \cdot 35,3} = 390,9 \text{ min}^{-1}$$

$$V_{цил} = \pi \cdot n_{цил} \cdot d_{цил} = 3,14 \cdot 390,9 \cdot 0,03 = 36,5 \text{ m/min}$$

## 5. Ҳалқали йигириш машинаси

Технологик характеристика бўйича  $n_{урч}=250000 \text{ min}^{-1}$  гача

«Карақўлтекс»Қ.К. кўрсаткичи бўйича  $n_{урч}= 14000 \text{ min}^{-1}$

Лойиҳада қабул қиламиз  $n_{урч}= 18000 \text{ min}^{-1}$

$$n_{цил} = \frac{n_{урч}}{\pi \cdot d_{цил} \cdot K} = \frac{18000}{3,14 \cdot 0,027 \cdot 657,4} = 322,9 \text{ min}^{-1}$$

$$V_{\text{цил}} = \pi \cdot n_{\text{цил}} \cdot d_{\text{цил}} = 3,14 \cdot 322,9 \cdot 0,027 = 27,3 \text{ m/min}$$

Лойиҳада қабул қиламиз

$$V_{\text{тор.в}} = 27,3 \text{ m/min}$$

## 1.10. Ўтимлар бўйича назарий иш унумдорлигини ҳисоблаш

1. Тараш машинаси

$$A_H = \frac{\pi \cdot d_{a.б} \cdot n_{a.б} \cdot 60 \cdot e \cdot T_n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 0,701 \cdot 75,7 \cdot 60 \cdot 2 \cdot 5,0}{1000} = 100 \text{ kg / soat}$$

$$A_H = 100 \text{ kg / soat}$$

2. Пилталаш машинаси, I-ўтим

$$A_H = \frac{V \cdot T_n \cdot 60}{1000} = \frac{700 \cdot 4,5 \cdot 60}{1000} = 189 \text{ kg / soat}$$

$$A_H = 210 \text{ kg / soat} \quad 1 \text{ та чиқарувчи орган учун}$$

3. Пилталаш машинаси, 2-ўтим

$$A_H = \frac{V \cdot T_n \cdot 60}{1000} = \frac{630 \cdot 4,5 \cdot 60}{1000} = 170 \text{ kg / soat}$$

$$A_H = 170 \text{ kg / soat} \quad 1 \text{ та чиқарувчи орган учун}$$

4. Пиликлаш машинаси

$$A_H = \frac{n_{ypч} \cdot 60 \cdot T_{\text{пил}}}{K \cdot 1000^2} = \frac{1300 \cdot 60 \cdot 580}{35,3 \cdot 1000^2} = 1,281 \text{ kg / soat}$$

$$A_H = 1,281 \text{ kg / soat} \quad 1 \text{ та чиқарувчи орган учун}$$

5. Ҳалқали йигириш машинаси

$$A_H = \frac{n_{ypч} \cdot 60 \cdot T_{un}}{K \cdot 1000^2} = \frac{18000 \cdot 60 \cdot 30,0}{657,4 \cdot 1000^2} = 0,0492 \text{ kg / soat}$$

$$A_H = 0,0492 \text{ kg / soat} \quad 1 \text{ та чиқарувчи орган учун}$$

**1.11. ЙИГИРИШНИНГ ҚИСҚАЧА РЕЖАСИ**  
**30,0 ТЕКСЛИ ТРИКОТАЖ ИП ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА**

7-жадвал

№	Машиналарнинг номи ва маркаси	Чиқаётган махсулот йўғонлиги Текс	Қўшиш сони d	Чўзиш сони E	Пиштитиш миқдори		Чиқарувчи ишчи орган. тезлиги		Назарий махсулд. Ан кг/с
					$\alpha_t$	К б/м	V м/мин	n мин <sup>-1</sup>	
1.	Тараш С 601N	5,0	-	-	-	-	166,6	75,7	100
2.	Пилталаш UMTRN, I-ўтим	4,5	8,0	8,8	-	-	700	5866	189
3.	Пилталаш UMTRN, II-ўтим	4,5	8,0	8,0	-	-	630	5280	170
4.	Пиликлаш FTDN	580	1,0	7,7	8,53	35,3	36,5	1300	1,281
5.	Йигириш MP1N	30,0	1,0	19,3	36,3	657,4	27,3	18000	0,0492

**Қайтимлар, чиқиндилар ва ип чиқиш жадвали**

8-жадвал

Қайтимлар ва чиқиндилар	Титиш-аралаштириш	Тараш	Пилталаш I-ўтим	Пилталаш I-ўтим	Пиликлаш	Йигириш	Жами чиқиндилар
<b>I.Қайтимлар</b>							
1.Пилга қийқими	-	0,184	0,276	0,276	0,182	-	0,918
2.Пилик қийқими	-	-	-	-	0,128	0,192	0,32
Жами чиқиндилар	-	0,184	0,276	0,276	0,31	0,192	1,238
<b>II.Кўзга кўринадиган чиқиндилар</b>							
1.Момик	-	-	-	-	0,2	0,31	0,51
1.Карда тарандиси	-	2,01	-	-	-	-	2,01
2.ТТА пух ва ёнғоклар	3,11	-	-	-	-	-	3,11
3.Тарашдаги пух ва ёнғоклар	-	1,60	-	-	-	-	1,60
4.Тоза супрундилар	-	0,031	0,0165	0,0165	0,031	0,062	0,157
5. Ип чигали	-	-	-	-	-	0,1	0,1
6.Тараш машинаси планкаси ва юкори валикдаги пух	-	0,0385	0,0275	0,0275	0,0165	0,0165	0,1265
7.Ифлосланган супрундилар	-	0,015	0,015	0,015	0,015	0,015	0,075
8.Бошқа чиқиндилар (ертўла ва филтр пухи)	0,2	0,1	-	-	-	-	0,3
Жами чиқиндилар	3,31	3,7945	0,059	0,059	0,2625	0,5035	7,9885
<b>III.Кўзга кўринмайдиган чиқиндилар</b>							
IV.Қайтмас чиқиндилар	1,211	0,674	-	-	-	-	1,885
Жами	1,981	1,187	-	-	-	-	3,168
Жами чиқиндилар, Ч <sub>и</sub>	5,291	5,1655	0,335	0,335	0,5725	0,6955	12,3945
Ялпи махсулот ва ипнинг чиқиш миқдори, В <sub>и</sub>	94,7	89,5	89,2	88,8	88,3	87,6055	100
Орттириш коэффициенти, О <sub>к</sub>	1,081	1,022	1,018	1,014	1,008	1	



## 1.12. Ўғимлар бўйича ярим маҳсулот ва ип чиқишини ҳисоблаш

$$B_1 = B - Ч$$

$$B_c = 100 - Ч_1 = 100 - 5,291 = 94,709$$

1. Тараш цехи

$$B_T = B_c - Ч_2 = 94,709 - 5,1655 = 89,543$$

2. Пилталаш 1-ўғим

$$B_I = B_T - Ч_3 = 89,543 - 0,335 = 89,208$$

3. Пилталаш 2-ўғим

$$B_{II} = B_I - Ч_4 = 89,208 - 0,335 = 88,873$$

4. Пиликлаш машинаси

$$B_{\text{пилик}} = B_{II} - Ч_5 = 88,873 - 0,5725 = 88,301$$

4. Йигириш цехи

$$B_{\text{й}} = B_{II} - Ч_6 = 87,301 - 0,6955 = 87,6055$$

## Ўғимлар бўйича орттириш коэффициенти

1. Саралаш бўлими

$$O_{\text{к.с.}} = \frac{B_c}{B_{\text{й}}} = \frac{94,709}{87,6055} = 1,081$$

2. Тараш цехи

$$O_{\text{к.т.}} = \frac{B_T}{B_{\text{й}}} = \frac{89,543}{87,6055} = 1,022$$

3. Пилталаш I-ўғим

$$O_{\text{к.1}} = \frac{B_I}{B_{\text{й}}} = \frac{89,208}{87,6055} = 1,018$$

4. Пилталаш 2-ўғим

$$O_{\text{к.2}} = \frac{B_{II}}{B_{\text{й}}} = \frac{88,873}{87,6055} = 1,014$$

5. Пиликлаш машинаси

$$O_{\text{к.пилик}} = \frac{B_{\text{пилик}}}{B_{\text{й}}} = \frac{88,301}{87,6055} = 1,008$$

## 2. Йигириш цехи

$$O_{к.йи} = \frac{B_{й}}{B_{й}} = \frac{87,6055}{87,6055} = 1,0$$

### 1.13. Ўтимлар бўйича паковкалар параметрларини ҳисоблаш

Бу масалани ечиш учун қайтимлар, чиқиндилар ва ип чиқиш жадвалидан фойдаланамиз.

Ушбу қийматлардан фойдаланиб паковкалар массалари ҳисобланади.

#### Найчага ўралган ип массаси ва узунлигини ҳисоблаш

Урчуқ тезлиги ва унга мослаб ҳалқа диаметри белгиланади.

Бу массали початкалардан нечтасини битта ғалтакдаги пиликдан йигиришни аниқлаб, пиликлаш машинаси паковка массасини топиш мумкин. Масалан, MP1N маркали ҳалқали йигириш машинаси найчасидаги ипнинг массаси одатда 80 gr бўлади.

FTDN маркали пиликлаш машинасидаги тайёрланган ғалтакдаги пилик массаси эса 2000 gramм бўлсин. Ҳар бир ўтимда маҳсулот чиқишини ҳисобга олиб, тегишли паковкалар сонини аниқлаш мумкин, яъни битта ғалтакдаги пиликдан нечта ип найчаси ғалтакдаги пиликни қолдиқсиз бўлиб чиқиши мумкинлиги аниқланади, яъни найчалар сони:

$$m_{\text{найча. сони}} = \frac{G_{\text{пил}}}{G_{\text{ип}}} \cdot \frac{B_{\text{ип}}}{B_{\text{пилик}}} = \frac{2000}{80} \cdot \frac{87,6055}{88,301} = 24,8 \approx 25 \text{ та деб қабул қиламиз.}$$

Найчалар (початка) сонини яхлитлаш, ип массасини камайтириш ёки ғалтакдаги пилик массасини ошириб коррективка (тузатма) киритилади.

Найчадаги ипнинг тузатмадан сўнги массаси қуйидагича ҳисобланади.

$$G_{\text{ип}} = \frac{G_{\text{пил}}}{m} \cdot \frac{B_{\text{ип}}}{B_{\text{пилик}}};$$

Бу ерда:  $G_{\text{ип}}$  – ипнинг массаси, g

$G_{\text{пил}}$  – пиликнинг массаси, g

$V_{ип}$  – ип чиқиши, %

$m$  – найчалар сони, дона

$V_{пил}$  – пилта чиқиши, %

$$G_{ин} = \frac{G_{пил}}{m} \cdot \frac{V_{ин}}{V_{пилк}} = \frac{2000}{25} \cdot \frac{87,6055}{88,301} = 79,36 \text{ gr.}$$

Найчадаги ип узунлиги –  $L_{ип}$  ҳисобланади.

Ипнинг чизиқий зичлиги  $T_{ип}=15,4$  текс бўлсин.

$$L_{ин} = \frac{G_{ин} \cdot 1000}{T_{ин}} = \frac{79,36 \cdot 1000}{15,4} = 5153,8 \text{ m}$$

Демак, ғалтакдаги пилик массаси 2000 gr. бўлса, ундан ҳар бири 5153,8 m ли 25 та найчада ип ўрама олинади.

### Ғалтакка ўралгин пилик массаси ва узунлигини ҳисоблаш

Агар найчадаги ип массаси 79,36 g бўлса

$$G_{пилк} = \frac{V_{пилк}}{V_{ин}} \cdot G_{ин} \cdot m$$

$$G_{пилк} = \frac{88,301}{87,6055} \cdot 79,36 \cdot 25 = 1999,75 \approx 2000 \text{ g}$$
 массадаги пилик ғалтакларини

$T_{пилк}=625$  тексли тайёрлаш керак. У ҳолда ғалтакдаги пиликнинг узунлиги:

$$L_{пил} = \frac{G_{пилк} \cdot 1000}{T_{пил}} = \frac{1999,75 \cdot 1000}{625} = 3199,6 \approx 3200 \text{ m}$$
 га тенг бўлади.

Пиликлар машинасида ғалтакдаги пилик узунлигини яхлитлаб

$L_{пилк} = 3200$  m деб олингани маъқул. У ҳолда ғалтакдаги пиликнинг

ҳақиқий массаси –  $G_{пилк}$

$$G_{пилк} = \frac{625}{1000} \cdot 3200 = 2000 \text{ g}$$
 бўлади.

Сўнгра, чиқиндини ҳисобга олиб текшираамиз,

$$E = \frac{T_{пил}}{T_{ин}} = \frac{L_{ин}}{L_{пил}} \cdot 25 \text{ m} = \frac{5153,8}{3200} \cdot 25 \approx 40,26 \text{ га тенг.}$$

### 1.14. Пиликлардан олдинги пилталаш II ўтимда паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш

II ўтимда тазга тахланган пилта массаси

$G_{\text{II-ўтим}}=28 \text{ kg}$  га тенг бўлсин. Ундан чиқадиган пилик ғалтаклари сони аниқланади.

$$m_{\text{гал}} = \frac{G_{\text{II-ўтим}}}{G_{\text{пилик}}} \cdot \frac{B_{\text{пилик}}}{B_{\text{II-ўтим}}} = \frac{28000}{2000} \cdot \frac{88,301}{88,873} = 13,9 \approx 14 \text{ та}$$

Буни яхлитлаб 14 та деб олиб, таздаги пилта массасини ҳисоблаймиз.

$$G_{\text{пил I-ўтим}} = \frac{m_{\text{гал}} \cdot G_{\text{пилик}} \cdot B_{\text{пил I}}}{B_{\text{пилик}}} = \frac{14 \cdot 2000 \cdot 88,873}{88,301} = 28181,3 \text{ gr.} = 28,18 \text{ kg}, \text{ яъни } 14$$

та ғалтак олиш учун 28 kg 181,3 g пилта керак бўлади. Шунини таъминловчи таздаги пилтанинг компьютерга киритилувчи узунлиги эса

$$L_{\text{пил I}} = \frac{G_{\text{пил I}} \cdot 1000}{T_{\text{пил I}}} = \frac{28181,3 \cdot 1000}{4500} = 6262,5 \text{ m га тенгдир.}$$

Уни яхлитлаб 6262,5 m деб оламиз. Унда таздаги пилтанинг ҳақиқий массаси

$$G_{\text{пил I}} = L_{\text{пил I}} \cdot \frac{T_{\text{пил I}}}{1000} = 6262,5 \cdot \frac{4500}{1000} = 28181,25 \text{ g бўлади.}$$

### Пилталаш II-ўтимдан олдин пилталаш I-ўтимда паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш

I- ўтимда тазга тахланган пилта массаси

$G_{\text{II-ўтим}}=34 \text{ kg}$  га тенг бўлсин. Ундан чиқадиган пилик ғалтаклари сони аниқланади.

$$m_{\text{TAZ}} = \frac{G_{\text{II-ўтим}}}{G_{\text{II-ўтим}}} \cdot \frac{B_{\text{II-ўтим}}}{B_{\text{II-ўтим}}} = \frac{34000}{28181,25} \cdot \frac{88,873}{89,208} = 1,2 \text{ та}$$

Буни яхлитлаб 1,2 та деб олиб, таздаги пилта массасини ҳисоблаймиз.

$$G_{\text{пил II-ўтим}} = \frac{m_{\text{маз}} \cdot G_{\text{II-ўтим}} \cdot B_{\text{пил II}}}{B_{\text{II-ўтим}}} = \frac{1,2 \cdot 28181,25 \cdot 89,208}{88,873} = 33997,8 \text{ gr.} = 33,99 \text{ kg} ,$$

яъни 1,2 та таз олиш учун 33 kg 997,8 g пилта керак бўлади. Шунинг таъминловчи таздаги пилтанинг компьютерга киритилувчи узунлиги эса

$$L_{\text{пил II}} = \frac{G_{\text{пил II}} \cdot 1000}{T_{\text{пил II}}} = \frac{33997,8 \cdot 1000}{4500} = 7555,07 \text{ m га тенгдир.}$$

Уни яхлитлаб 7555,07 m деб оламиз. Унда таздаги пилтанинг ҳақиқий массаси

$$G_{\text{пил II}} = L_{\text{пил II}} \cdot \frac{T_{\text{пил II}}}{1000} = 7555,07 \cdot \frac{4500}{1000} = 33997,85 \text{ g бўлади.}$$

### **Тараш ўтимида паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш**

“II” ўтимда чиқиши мумкин бўлган тазлар сонини ҳисоблаймиз. Таздаги таралган пилта массасини  $G_T=34$  кг деб оламиз.

$$m_{\text{II}} = \frac{G_T \cdot d \cdot B_{\text{II-ўтим}}}{G_{\text{II-ўтим}} \cdot B_T} = \frac{34 \cdot 8 \cdot 89,208}{33997,85 \cdot 89,543} = 7,97 \cong 8$$

Таралган пилта тахланган таздаги пилта массаси.

$$G_T = \frac{m_{\text{II}} \cdot G_{\text{II-ўтим}} \cdot B_T}{d \cdot B_{\text{II-ўтим}}} = \frac{8 \cdot 33,99 \cdot 89,543}{8 \cdot 89,208} = 34,11 \text{ kg} = 3411 \text{ g га тенг бўлади.}$$

Таздаги таралган пилтанинг узунлигини ҳисоблаш.

$$L_T = \frac{G_T \cdot 1000}{T_{\text{Тар}}} = \frac{3411 \cdot 1000}{5000} = 6822 \text{ m}$$

Шундай қилиб, ўтимларда паковкалар массалари ҳисобланиб, уларни қолдиқсиз қайта ишлаш лойиҳаланади.

## 1.15. Ўтимлар бўйича ФВК, ИУК ва УФК ларни танлаш ва асослаш

9-жадвал

Машиналарнинг номи ва маркаси	ФВК			ИУК			УФК
	«Яккабоғ текс» Қ.К.	«Қара кўлтөкс» Қ.К.	Лойихада қабул қиламз	«Маълумот номадан»	«Қара кўлтөкс» Қ.К.	Лойихада қабул қиламз	
Тараш С 601N	0,93	0,98	0,93	0,955	-	0,955	0,88
Пилталаш UMTN, I-ўтим	0,80	0,75	0,80	0,975	-	0,975	0,6
Пилталаш UMTRN, II-ўтим	0,80	0,75	0,80	0,975	-	0,975	0,6
Пиликлаш FTDN	0,95	0,95	0,95	0,97	-	0,97	0,92
Йигириш MP1N	0,95	0,96	0,95	0,96	-	0,96	0,91

$$УФК = ФВК \cdot ИУК$$

бу ерда: УФК – Ускуналардан фойдаланиш коэффициенти. %

ФВК – Фойдаланиш вақт коэффициенти. %

ИУК – Ишлаётган ускуналар коэффициенти. %

## 1.16. Ўтимлар бўйича амалий ва ҳисобий иш унумдорлигини ҳисоблаш

### 1. Тараш машинаси С 601N

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 100 \cdot 0,93 = 93 \text{ кг/соат}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 93 \cdot 0,955 = 88,8 \text{ кг/соат}$$

### 2. Пилталаш машинаси UMTN, I-ўтим

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 189 \cdot 0,80 = 151,2 \text{ кг/соат}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 151,2 \cdot 0,975 = 147,42 \text{ кг/соат}$$

### 3. Пилталаш машинаси UMTRN, II-ўтим

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 170 \cdot 0,80 = 136 \text{ кг/соат}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 136 \cdot 0,975 = 132,6 \text{ кг/соат}$$

### 4. Пиликлаш машинаси FTDN

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 1,281 \cdot 0,95 = 1,21 \text{ кг/соат}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 1,21 \cdot 0,97 = 1,180 \text{ кг/соат}$$

### 5. Ҳалқали йигириш машинаси MP1N

$$Aa = A_H \cdot \Phi BK = 0,0492 \cdot 0,95 = 0,0467 \text{ кг/соат}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 0,0467 \cdot 0,96 = 0,0448 \text{ кг/соат}$$

## 1.7. СОАТБАЙ ВАЗИФАНИ АНИҚЛАШ

Соатбай вазифа йигириш фабрикасининг бирон бир цехда бир соатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини билдиради.

Фабриканинг қуввати 620 kg/soat ипда берилган. Шунинг ўзи йигириш цехининг соатбай вазифасини аниқлатади.

1. Тараш цехи соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{Тар.}} = CB_{\text{й}} \cdot O_{\text{К.тар}} = 620 \cdot 1,022 = 633,6 \text{ кг / соат}$$

2. Пилталаш I-ўтимининг соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{Пил. I}} = CB_{\text{й}} \cdot O_{\text{К. I}} = 620 \cdot 1,018 = 631,1 \text{ кг / соат}$$

3. Пилталаш II-ўтимининг соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{Пил. II}} = CB_{\text{й}} \cdot O_{\text{К. II}} = 620 \cdot 1,014 = 628,6 \text{ кг / соат}$$

4. Пиликлаш цехи соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{пил}} = CB_{\text{ице}} \cdot O_{\text{К.пил}} = 620 \cdot 1,008 = 624,9 \text{ кг / соат}$$

### Ўтимлар бўйича чиқариш органлари ва машиналар сонини ҳисоблаш

1. Тараш машинаси С 601N

$$M = \frac{CB_{\text{T}}}{A_{\text{ХТ}}} = \frac{633,6}{88,8} = 7,1 \text{ та} \approx 8,0 \text{ та}$$

2. Пилталаш машинаси UMTN, I-ўтим

$$M = \frac{CB_{\text{I}}}{A_{\text{XI}} \cdot m} = \frac{631,1}{147,4 \cdot 1} = 4,2 \text{ та} \approx 4,0 \text{ та}$$

3. Пилталаш машинаси UMTRN, II-ўтим

$$M = \frac{CB_{\text{II}}}{A_{\text{XII}} \cdot m} = \frac{628,6}{132,6 \cdot 1} = 4,7 \text{ та} \approx 4,0 \text{ та}$$

#### 4. Пиликлаш машинаси FTDN

$$M = \frac{CB_{\text{пилик}}}{A_{\text{ХИ}} \cdot m} = \frac{624,9}{1,180 \cdot 144} = 3,6 \text{ та} \approx 4,0 \text{ та}$$

#### 4. Йигириш машинаси MP1N

$$M = \frac{CB_{\text{й}}}{A_{\text{ХИ}} \cdot m} = \frac{620}{0,0448 \cdot 1056} = 13,1 \text{ та} \approx 14 \text{ та}$$

Ўтимлар бўйича машина ва чиқарувчи ишчи органларни умулаштириш  
жадвали

10-жадвал

Т/р	Машиналар номи	A <sub>хис</sub> Кг/с	C <sub>в</sub> Кг/с	Чиқар. Ишчи орг.сони	ҳисобланган		Қабул қилинган		Аппар ат- лаш
					Чиқар. орган	Машина сони	Чиқар органи	Машина сони	
1.	Тараш С 601N	88,8	633,6	-	7,1	7,1	8,0	8,0	4
2.	Пилталаш UMTN, I-ўтим	147,1	631,1	1	4,2	4,2	4,0	4,0	2
3.	Пилталаш UMTRN, II-ўтим	132,6	628,6	1	4,7	4,7	4,0	4,0	2
4.	Пиликлаш FTDN	1,180	624,9	144	518,4	3,6	576	4,0	2
5.	Йигириш MP1N	0,0448	620	1056	13833,6	13,1	14784	14,0	5

### Аппаратлаш

Аппаратлаш бу машиналарнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолатда ишлашига айтилади. Йигириш корхоналарида аппарат сифатида карда системаси учун энг юқори иш унумдорлигига эга бўлган 1÷4 тагача пилталаш машинаси қабул қилинади. Қайта тараш системасида 1÷2 тагача пилта бирлаштирувчи машина қабул қилинади.

